


## X. ХИЗМАТЛАР

Жамиятнинг ривожланиши, ишчи кучларининг ошиши билан хизматлар соҳаси маълум даражада ривожланади. Бугунги кунда ушбу соҳада банд бўлганларнинг кўпайиши, меҳнатни техник жиҳозланганлигининг ўсиши, илғор технологияларни кенг жорий этилиши кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта ва аҳамиятлидир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорни кунлик ва шахсий талабдан келиб чиққан ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир. Буларнинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг ва бошқа хизмат турларисиз амалга ошириб бўлмайди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 47,3 % ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши, % да**



2017 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 116795,7 млрд.сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,9 % ни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>116795,7</b>	<b>108,9</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	7902,9	117,3	6,8
молиявий хизматлар	14961,8	135,9	12,8
транспорт хизматлари	35429,3	107,7	30,3
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	20091,2	101,4	17,2
яшаш ва овқатланиш хизматлари	3606,7	110,5	3,1
савдо хизматлари	31950,1	100,1	27,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3880,0	102,8	3,3
таълим соҳасидаги хизматлар	4226,2	120,6	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1602,4	110,1	1,4
ижара хизматлари	2564,6	101,1	2,2
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2305,6	101,5	2,0
шахсий хизматлар	3173,0	101,6	2,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1434,3	113,7	1,2
бошқа хизматлар	3758,8	106,5	3,2

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар бўйича – 135,9 %, таълим соҳасидаги хизматлари бўйича – 120,6 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича – 117,3 %, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар бўйича – 113,7 % эришилди.


Хизматлар таркибида энг юкори улушларни транспорт хизматлари (30,3 %), савдо хизматлари (27,4 %), молиявий хизматлар (12,8 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,8 %) ташкил этади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)




Бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, кичик саноат зоналарини яратиш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туристик фаолиятни ривожлантириш транспорт хизматларига бўлган талабнинг ортишига ва логистика инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматлари 56,7 % билан устунлик қилмоқда. Бу транспортнинг ҳаракатчанлиги ҳамда ҳаво ва темир йўл транспорти билан солиштирганда хизматлар нархининг нисбатан арзонлиги билан изоҳланади.

**Транспорт хизматлари таркиби** (2017 йил январь-декабрь ойлари учун)




Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш телекоммуникация хизматларига (симли ва мобил алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқаси хизматлари ва бошқалар) тўғри келади.

■ Телекоммуникация хизматлари    ■ АКТ бўйича бошқа хизматлар




Давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва халқнинг кундалик ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг (117,3 %) ошишига олиб келди. Айти пайтда АКТ соҳаси мамлакат ЯИМ нинг 2,2 фоизини ташкил этади.

**АКТ соҳасининг ЯИМ даги улуши, % да**



Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни янада кенгайтириш, реал вақт режимида хизматлар кўрсатиш (Интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг) кўламини кенгайтириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш молиявий хизматларнинг (135,9 %) ўсишига таъсир кўрсатди.

**Худудлар кесимида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажмида озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари (84,6 %) устунлик қилади. Яшаш хизматларининг улуши 15,4 % га тўғри келади.




Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ўқитиш усуллари жорий қилиш ҳамда олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар (олий ўқув юртларига қўшимча равишда шартнома асосида қабул қилиш, сиртқи ўқиш курсларини жорий этиш) ҳисобот даврида таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсишига (120,6 %) таъсир кўрсатди.



Хизматлар соҳасида давлат сектори улушидан (11,8 %) нодавлат секторининг улуши (88,2 %) устунлик қилади ва 103065,4 млрд.сўмни ташкил этади.

**Мулкчилик шакллари бўйича бозор хизматларининг таркиби**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)




### Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан % да	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, % да	минг.сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>116795,7</b>	<b>108,9</b>	<b>100,0</b>	<b>3606,2</b>	<b>107,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3535,0	106,0	3,0	1931,8	104,5
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	6640,9	105,6	5,7	2223,2	103,8
Бухоро	5364,1	103,6	4,6	2889,0	102,1
Жиззах	2494,1	105,2	2,1	1899,7	103,3
Қашқадарё	5841,0	104,2	5,0	1873,0	102,1
Навоий	3034,4	107,0	2,6	3193,1	105,3
Наманган	5072,8	105,0	4,3	1895,9	103,1
Самарқанд	8237,6	104,9	7,1	2235,0	103,0
Сурхондарё	4429,2	104,5	3,8	1780,4	102,3
Сирдарё	1581,0	106,0	1,4	1953,3	104,3
Тошкент	9277,2	104,3	7,9	3260,5	103,1
Фарғона	7562,9	104,3	6,5	2105,3	102,6
Хоразм	3552,1	105,3	3,1	1983,6	103,6
Тошкент шаҳри	37529,4	114,6	32,1	15350,1	112,9

Худудлар ўртасида энг юкори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (114,6 %), Навоий (107,0 %), Сирдарё (106,0 %), Андижон (105,6 %), Хоразм (105,3 %), Жиззах (105,2 %), Наманган (105,0 %) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикасига (106,0 %) тўғри келади.

**Республика бўйича жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун, % да)




Хизматлар соҳасини ривожлантиришда энг катта улушлар Тошкент шаҳри (32,1 %), Тошкент (7,9 %), Самарқанд (7,1 %), Фарғона (6,5 %) вилоятларида кузатилмоқда. Кўрсатилган хизматлар ҳажмида энг кичик улушларни Сирдарё (1,4 %), Жиззах (2,1 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (3,1 %), Сурхондарё (3,8 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 %) каби ҳудудлар эгаллайди.



Шу билан бирга, саноати ривожланган ҳудудларда (қазиб олиш саноатидан ташқари) жумладан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хизматлар соҳасининг аҳоли жон боши тўғри келадиган кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга нисбатан анча юқори.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига бозор хизматлари ҳажми**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун, минг сўм)



Шунингдек, хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига нисбатан ривожланишига аҳоли сони ҳам аҳамиятли таъсир кўрсатади. Масалан, аҳоли сони нисбатан кам бўлган Навоий ва Бухоро вилоятларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар Сурхондарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари каби аҳолиси зич бўлган ҳудудларга қараганда яхшироқ кўринади.

Бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳаси иқтисодиётда банд бўлганларнинг 49,7 % ни қамраб олади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликнинг таркибий таҳлили ижтимоий аҳамиятга эга бўлган савдо, таълим, ташиш ва сақлаш, соғлиқни сақлаш ва шу каби тармоқларнинг улуши энг юқори эканлигини кўрсатди.

**Фаолият турлари бўйича хизматлар соҳасида банд бўлганларнинг улуши**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун, % да)

